



**New Day in Medicine**  
**Новый День в Медицине**

**NDM**



# TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



**AVICENNA-MED.UZ**



ISSN 2181-712X.  
EiSSN 2181-2187

**6 (80) 2025**

**Сопредседатели редакционной  
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:  
М.И. АБДУЛЛАЕВ  
А.А. АБДУМАЖИДОВ  
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ  
Л.М. АБДУЛЛАЕВА  
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ  
М.А. АБДУЛЛАЕВА  
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ  
Б.З. АБДУСАМАТОВ  
М.М. АКБАРОВ  
Х.А. АКИЛОВ  
М.М. АЛИЕВ  
С.Ж. АМИНОВ  
Ш.Э. АМОНОВ  
Ш.М. АХМЕДОВ  
Ю.М. АХМЕДОВ  
С.М. АХМЕДОВА  
Т.А. АСКАРОВ  
М.А. АРТИКОВА  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)  
Е.А. БЕРДИЕВ  
Б.Т. БУЗРУКОВ  
Р.К. ДАДАБАЕВА  
М.Н. ДАМИНОВА  
К.А. ДЕХКОНОВ  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ  
А.А. ДЖАЛИЛОВ  
Н.Н. ЗОЛотова  
А.Ш. ИНОЯТОВ  
С. ИНДАМИНОВ  
А.И. ИСКАНДАРОВ  
А.С. ИЛЬЯСОВ  
Э.Э. КОБИЛОВ  
А.М. МАННАНОВ  
Д.М. МУСАЕВА  
Т.С. МУСАЕВ  
М.Р. МИРЗОЕВА  
Ф.Г. НАЗИРОВ  
Н.А. НУРАЛИЕВА  
Ф.С. ОРИПОВ  
Б.Т. РАХИМОВ  
Х.А. РАСУЛОВ  
Ш.И. РУЗИЕВ  
С.А. РУЗИБОВЕВ  
С.А. ГАФФОРОВ  
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)  
Ж.Б. САТТАРОВ  
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)  
И.А. САТИВАЛДИЕВА  
Ш.Т. САЛИМОВ  
Д.И. ТУКСАНОВА  
М.М. ТАДЖИЕВ  
А.Ж. ХАМРАЕВ  
Б.Б. ХАСАНОВ  
Д.А. ХАСАНОВА  
Б.З. ХАМДАМОВ  
А.М. ШАМСИЕВ  
А.К. ШАДМАНОВ  
Н.Ж. ЭРМАТОВ  
Б.Б. ЕРГАШЕВ  
Н.Ш. ЕРГАШЕВ  
И.Р. ЮЛДАШЕВ  
Д.Х. ЮЛДАШЕВА  
А.С. ЮСУПОВ  
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ  
М.Ш. ХАКИМОВ  
Д.О. ИВАНОВ (Россия)  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
DONG JINCHENG (Китай)  
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПОТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)  
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН  
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ  
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал  
Научно-реферативный,  
духовно-просветительский журнал*

**УЧРЕДИТЕЛИ:**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
У.К. КАЮМОВ (Ташкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

**6 (80)**

**2025**

**июнь**

www.bsmi.uz  
https://newdaymedicine.com E:  
ndmuz@mail.ru  
Тел: +99890 8061882

Received: 20.05.2025, Accepted: 10.06.2025, Published: 15.06.2025

UDC 616.62-006

**СИЙДИК ПУФАГИ ПОЛИП ВА ПАПИЛЛОМАСИНИНГ CD 3 CD 20 ВА KI 67  
МАРКЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ИММУНОГИСТОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТ  
НАТИЖАЛАРИ**

Шодиев Улмас Мустафоевич <https://orcid.org/0009-0007-0016-8574>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,  
А.Навой кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

✓ *Резюме*

*Ушбу илмий тадқиқотда сийдик пуфаги полипи ва папиломааси билан касаланган бемордан олинган биопсия материаларининг CD 3 CD 20 ва Ki 67 маркерларининг экспрессияланиш даражасига асосланган ҳолда олинган тадқиқот натижалари келтирилган*

*Калит сузлар: Сийдик пуфаги полипи, папиломаси, иммуногистокимёвий текшириш, CD 3, CD 20 маркерлари, пролифератив индекс*

**IMMUNOHISTOCHEMICAL STUDY RESULTS OF CD3, CD20, AND KI-67 MARKERS IN  
BLADDER POLYPS AND PAPILLOMAS**

*Shodiev Ulmas Mustafoevich*

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1  
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

✓ *Resume*

*This scientific study presents the results of immunohistochemical analysis based on the expression levels of CD3, CD20, and Ki-67 markers in biopsy specimens obtained from patients diagnosed with bladder polyps and papillomas.*

*Keywords: Bladder polyp, papilloma, immunohistochemical examination, CD3, CD20 markers, proliferative index*

**ИММУНОГИСТОХИМИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ЭКСПРЕССИИ МАРКЕРОВ CD3,  
CD20 И KI-67 ПРИ ПОЛИПАХ И ПАПИЛЛОМАХ МОЧЕВОГО ПУЗЫРЯ**

*Шодиев Улмас Мустафаевич*

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г.  
Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

✓ *Резюме*

*В данном научном исследовании представлены результаты иммуногистохимического анализа степени экспрессии маркеров CD3, CD20 и Ki-67 в биопсийных материалах, полученных от пациентов с полипами и папилломами мочевого пузыря*

*Ключевые слова: Полип мочевого пузыря, папиллома, иммуногистохимическое исследование, маркеры CD3, CD20, пролиферативный индекс*

**Долзарблиги**

Дунёда сийдик пуфаги хавфсиз ўсмалари умумий ўсмаларнинг 1,27%ни ташкил қилиб, сийдик пуфагининг хавфсиз ўсмалари, шиллиқ пардасининг ҳар қандай соҳасида жойлашиши, гистогенетик жиҳатдан эпителиал ва мезенхимал хавфсиз ўсмаларига бўлинади.(1,3,5) Сийдик пуфаги хавфсиз ўсмалари 50-70 ёшли эркаклар орасида аёлларга нисбатан 4 баробар кўп учрайди. Эпителий генезига эга бўлган хавфсиз ўсмаларининг 90-95% попил ва папилломага тўғри келади.(2,4). Ҳозиргача ушбу патологиянинг коррелятив ўзгаришлари, кечиши ва морфогенези тўғрисида маълумотлар етарли эмас, шунинг учун асоратлар ривожланиш хавфи

баланд, бунга мос равишда эрта ташхислаш тактикасини янада такомиллаштириш муаммонинг долзарблиги ва заруриятини кўрсатади.(6,7,8)

**Тадқиқот мақсади:** сийдик пуфаги полипи ва папилломаси билан касаланган беморлардан олинган биопсия материаларини CD 3 CD 20 ва Ki 67 маркерларининг экспрессияланишида асосланган холда иммуногистохимёвий хусусиятларини урганиш.

Имуногистохимёвий текширув ўтказиш учун 26 та сийдик пуфаги полипи, 28-та папилломасидан тайёрланган парафинли ғиштчалар танлаб олинди, улардан 2 мкм қалинликдаги гистологик кесмалар тайёрланди, депарафинизация ўтказилгандан кейин дегидратация, демаскировка ўтказилгандан кейин Ventana Benchmark XT, Roche, Швейцариянинг автоматлаштирилган махсус тизимида антитаначалар ёрдамида бўялди. Тадқиқот CD20, CD3 ва Ki-67 антитаначалари ёрдамида алоҳида полип ва папиллома намуналари бўялди. Полип ва папиллома намуналарида иммуногисто-химёвий жиҳатдан NanoZoomer (REF C13140-21.S/N000198/HAMAMATSU PHOTONICS/431-3196 JAPAN)да сканер килинди. Олинган микротасвирларни (QuPath-0.4.0, NanoZoomer Digital Pathology Image) дастурий таъминот асосида позитив экспрессияланган хужайраларни жуда юқори кўрсаткич билан ифодлайди.

Ki-67 (proliferative index) экспрессияланиши даражаси фоизлар ҳисобида баҳоланди. CD 3 и CD 20 маркерлар экспрессияланиш бўйлиши миқдорий жиҳатдан нисбий фоизлар ҳисобида баҳоланди ва энгил, ўрта ва кучли даражадаги экспрессияланиш деб баҳоланди ва бу кўрсаткичлар:

- 0 (бўйлишининг йўқлиги);
- 1+ (<20% хужайралар, суст бўялган);
- 2+ (20-60% хужайралар, ўртача даражада бўялган);
- 3+ (>60% хужайралар, кучли даражада бўялган). таснифга ажратилган.

### Материал ва усуллар

#### I. CD3(2GV6) и CD20(L26) маркерларининг иммуногистохимёвий текшириш натижалари

CD3 ва CD20 маркерлари бўйича иммуногистохимёвий текшириш микроскопнинг катта объектида ҳисобланганда Т ва В лимфоцитларнинг ижобий бўйлиши саналганда қуйидаги натижалар олинди. Дастлаб NanoZoomer (REF C13140-21.S/N000198/HAMAMATSU PHOTONICS/431-3196 JAPAN)да сканер килинди. Олинган микротасвирларни (QuPath-0.4.0, NanoZoomer Digital Pathology Image) морфометрик дастурий кўрсаткичлар орқали катталиқ кўрсаткичи ёрдамида Т ва В лимфоцитларнинг позитив экспрессияланиш натижалар йиғиндисидан ўртача арифметик кўрсаткич ҳисобланди ва бу кўрсаткич яллиғланиш коэффициенти сифатида баҳоланди (1-жадвалга қаранг).

1 жадвал

#### «Полип»ва «папиллома» гуруҳларида яллиғланишни кўрсатадиган хужайралар миқдорини ҳисоблаш натижалари

|      | «Полип»             | «Папиллома»        |
|------|---------------------|--------------------|
| CD20 | 63/903*100=6,97%    | 20/740*100=2,7 %   |
| CD3  | 163/2058*100= 7,92% | 68/2270*100= 2,99% |


1 жадвалда кўрсатилганидек, полип тўқимасида CD20 маркери, яъни В-лимфоцитлар нисбатан юқори даражада инфильтрацияланганлиги, яъни 6,97 %-ни ташкил қилганлиги, папиллома тўқимасида эса бу маркер сезиларли даражада кам экспрессияланганлиги, бор-йўғи 2,7 % -ни ташкил қилганлиги кўрсатиб турибти. (1-жадвал ва 1 расмларга қаранг).

#### II . Ki-67 – хужайралар пролиферацияланиш фаоллиги маркерини иммуногистохимёвий текшириш

Ki-67 хужайралар пролиферацияланиш маркери бўлиб, хужайранинг барча фаоллашув фазаларида, яъни G1, S, G2, Мда ҳар хил даражада экспрессияланади. Хужайра фаоллашуви дастлабки фазаси G1дан М фазасигача бу маркер кўпайиб боради ва митознинг метафазасига келиб максимумга етади. G1 дастлабки фазасида Ki-67 маркер сателлит ДНКнинг центрамерида ва хромосоманинг теломерида жойлашади. Хужайра фаоллашувининг ўрта фазаларида Ki-67 маркер ядрочада пайдо бўлади, G2 фазага келиб ҳам ядрочада, ҳам кариоплазмада экспрессияланади. Хужайра митоздан кейинги G-0 га ўтганда Ki-67 маркер протеосомалар ёрдамида деградацияланиб, тўлиқ катаболизмга учрайди ва интерфазадаги хужайраларда экспрессияланмайди. Шунинг учун бу


иммуногистохимёвий маркер хужайранинг пролиферацияланиш фаоллигини намоён қилганлиги учун нафақат ўсмали жараёнлар, балки хужайралар кўпайиши билан давом этадиган гиперплазия, метаплазия, регенерация, дисплазияда аҳамияти катта ҳисобланади.

|                                       |       |
|---------------------------------------|-------|
| Аниқланган хужайралар сони            | 903   |
| Негатив экспрессия                    | 840   |
| Позитив экспрессия                    | 63    |
| Позитив экспрессияланган хужайралар % | 6,97% |



**1-расм. «Полип» (намуна 18112/19) CD20 маркерининг позитив экспрессияси. В-лимфоцитларнинг бўялиши. Даб хромоген усулида бўялган. 40x10 ўлчамда катталаштирилган тасвир QuPath-0.4.0.inк. дастурида сканер қилинган ва экспрессияланиш даражаси аниқланган. Экспрессияланган хужайралар қизил рангда кўрсатилган.**

|                                       |      |
|---------------------------------------|------|
| Аниқланган хужайралар сони            | 740  |
| Негатив экспрессия                    | 720  |
| Позитив экспрессия                    | 20   |
| Позитив экспрессияланган хужайралар % | 2,7% |




**2-расм. «Папиллома» (намуна 2213/15) CD20 маркерининг позитив экспрессияси. В-лимфоцитлар бўялиши. Даб хромоген усулида бўялган. 40x10 ўлчамда катталаштирилган тасвир QuPath-0.4.0.inк. дастурида сканер қилинган ва экспрессияланиш даражаси аниқланган. Экспрессияланган хужайралар қизил рангда кўрсатилган.**

### Натижа ва таҳлиллар

Ўтказилган тадқиқотдан олинган натижалар шуни кўрсатадики биз ўрганган сийдик пуфаги полип ва папилломасида ҳам қоқловчи эпителийсида ҳам тўқима стромасида турлича кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди. Сийдик пуфаги полипнинг қоқловчи эпителий хужайраларида бу кўрсаткич ўртача 7,16% ни ташкил этди ва полип стромасида бу кўрсаткич 18,64% ни ташкил қилди умуман олганда сийдик пуфаги полипида Ki-67 маркерининг экспрессияланиш даражаси 26,8 % ни ташкил қилди, Демак, сийдик пуфаги полип тўқимасининг стромасида эпителий хужайраларига қараганда хужайраларнинг пролиферацияланиши юқори эканлиги аниқланди. Сийдик пуфаги папилломасида қоқловчи эпителий хужайраларда Ki-67 маркерининг экспрессияланиши 12,85% ўртача ташкил қилди ва папиллома стромасида бу кўрсаткич 19,4% ни ташкил этди умуман олганда сийдик пуфаги папилломасида Ki-67 маркерининг экспрессияланиши 32,25% ташкил қилади. Шундай қилиб, папиллома тўқимасида хужайраларнинг пролиферацияланиши нафақат строма хужайраларида балки қоқловчи эпителий ҳам полип тўқимасига қараганда юқорироқ эканлиги аниқланди

Олинган натижалардан кўришиб турибдики, сийдик пуфаги полипида қоқловчи эпителий стромал хужайраларга нисбатан секин ривожланиши, тарқалиш даражаси пастлиги, эпителий хужайраларининг метаплазия ва дисплазияси деярлик йўқлигидан далолат берган.



|                                       |        |
|---------------------------------------|--------|
| Аниқланган хужайралар сони            | 4874   |
| Негатив экспрессия                    | 3966   |
| Позитив экспрессия                    | 908    |
| Позитив экспрессияланган хужайралар % | 18.64% |


**3-расм. Полип (18114/19 намуна) Стромасида Ki-67 маркерининг экспрессияланиш даражаси хужайралар ядроларининг экспрессияси. Даб хромоген усулида бўялган. 40x10 ўлчамда катталаштирилган тасвир QuPath-0.4.0.ink. дастурида сканер қилинган ва экспрессияланиш даражаси аниқланган. Экспрессияланган хужайралар қизил рангда**

Сийдик пуфаги папилломаси тўқимасини Ki-67 хужайралар пролиферацияланиш маркерига иммуногистокимёвий текшириш шуни кўрсатадики, қоқловчи эпителийнинг асосан базал қаватларида жойлашган эпителиоцитлар хужайраларида ҳар хил даражада, яъни оч жигар рангдан то тўқ жигар ранггача тусда экспрессияланганлиги аниқланади. Бунда, мусбат бўялган эпителий хужайраларидан айримларининг ядроси йириклашган ва тўқ рангли мусбат натижа берган, бошқалари эса нисбатан очроқ бўялган ва ҳажм жиҳатдан анча кичиклиги аниқланади.

Иммуногистокимёвий жиҳатдан мусбат бўялган эпителий хужайралари сони қоқловчи эпителийларнинг умумий сонига нисбатан 12,85% ташкил қилганлиги, бу кўрсаткич сийдик

пуфаги полипи қопловчи эпителийсининг Ki-67 маркери экспрессияланишига нисбатан бироз кўплиги, яъни 5,69 %га ошганлиги кузатилди.

Сийдик пуфаги папилломаси одатда пуфаги деворида яллиғланишли ва дисрегенератор жараёнлар ривожланишидан кейин бошланганлиги сабабли, папиллома стромасида пролифератив яллиғланишли жараён устун турганлигидан бир вақтнинг ўзида ҳам қопловчи эпителий, ҳам строма хужайраларининг пролифератив фаоллиги ошади, натижада Ki-67 маркерининг экспрессияланиши кучаяди. Ki-67 маркери бўйича иммуногистокимёвий текширувда маълум бўлдики папилломанинг айрим ҳолатларида хужайра тузилмаларида кам даражада бўлсада пролифератив фаоллигини кўрсатадиган Ki-67 маркери мусбат натижа экспрессияланишини кўрсатди.



|                                       |        |
|---------------------------------------|--------|
| Аниқланган хужайралар сони            | 943    |
| Негатив экспрессия                    | 822    |
| Позитив экспрессия                    | 121    |
| Позитив экспрессияланган хужайралар % | 12,85% |

**4 расм «Папиллома» (намуна 2217) Ki-67 Эпителй хужайралар ядроларида экспрессияланиш 12,85% ташкил қилди. Даб хромоген усулида бўялган. 20x10 ўлчамда катталаштирилган тасвир QuPath-0.4.0.ink. дастурида сканер қилинган ва экспрессияланиш даражаси аниқланган. Экспрессияланган хужайралар қизил рангда**

Бунда ҳам айрим эпителийлар ядролари нисбатан катталашган ва тўқ рангли мусбат натижа берган, бошқалари эса нисбатан очроқ ва фрагментацияланиш даражасида бўялган. Микдорий жиҳатдан Ki-67 маркери билан мусбат бўялган эпителийлар сони безнинг умумий эпителийлар сонига нисбатан юқорилиги аниқланди. Аксарият ҳолларда хужайралар пролиферацияланишини кўрсатадиган маркер қопловчи эпителийнинг базал қават хужайраларида экспрессияланганлиги, жумладан айрим эпителиоцитлар ядроларида оч жигаррангли, бошқаларида нисбатан тўқроқ жигар рангли кўринишида экспрессияланганлиги аниқланди (4 - расмларга қаранг).

Сийдик пуфаги папилломаси ривожланишида шиллик парда ости қаватининг шаклланмаган бириктирувчи тўқимасида сурункали яллиғланиш ва дисрегенератор жараёнлар ривожланиши катта аҳамиятга эга. Ушбу умумий патоморфологик жараёнлар ривожланиши оқибатида сийдик пуфаги шиллик ости қавати таркибидаги бириктирувчи тўқиманинг ҳам хужайравий, ҳам толали тузилмалари пролиферацияланиб кўпайиши оқибатида шиллик парда юзасига экзофит ҳолда сўрғичсимон тузилмалар ўсиб чиқади ва уларнинг юзаси кўп қаватли ўзгарувчан эпителий билан қопланади. Демак, сийдик пуфаги шиллик пардаси папилломаси каби хавфсиз ўсмаси пайдо бўлишига асосий сабаб шиллик ости бириктирувчи тўқимасининг ўсиб кўпайиши ҳисобланади. Шунинг учун сийдик пуфаги папилломаси таркибидаги нафақат эпителий қопламаси, балки стромасини ташкил қиладиган бириктирувчи тўқима хужайраларининг пролифератив фаоллигини кўрсатадиган маркер Ki-67 ни иммуногистокимёвий усулда текшириш катта

аҳамиятга эга ва бу жараёни тўғри диагностика қилишда асосий фундаментал маълумот бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг материалимизда, яъни сийдик пуфаги папилломаларидан 12 -та ҳолатда иммуногистохимёвий текширув ўтказилганда Ki-67 хужайралар пролифератив маркерининг экспрессия-ланиш даражаси (3- ва 4- расмларга қаранг) қопловчи эпителийсига нисбатан кучлироқ намоён бўлганлиги аниқланди. Бунда, QuPath-0.4.0.ink. дастурида сканер қилинган ва экспрессияланиш даражаси аниқланган, папилломанинг стромаси таркибидаги бириктирувчи тўқима хужайралари ушбу маркер мусбат даражада экспрессияланганлиги ҳисоблаб чиқилди ва натижада 19,4% кўрсаткични ташкил қилди ва бу кўрсаткич қопловчи эпителийси кўрсаткичидан 2 марта юқорилиги кузатилди.

Сийдик пуфаги шиллиқ пардасида пайдо бўладиган хавфсиз ўсималардан полип ва папилломалар иммуногистохимёвий даражада текширилганда уларнинг қопловчи эпителийсида Ki-67 маркери анча кам даражада, строма тўқима тузилмаларида нисбатан юқори даражада кўрсаткичларга эгаллиги аниқланди.

Биз ўрганган сийдик пуфаги полип ва папилломаси қопловчи эпителийсининг фақат базал қаватида хужайраларнинг пролифератив фаоллиги кам даражада бўлса ҳам, строма тўқима хужайралари ядроларида нисбатан юқори даражада Ki-67 маркерининг жигар рангли кўринишда экспрессияланиши билан тасдиқланди.

Морфологик жиҳатдан Ki-67 маркернинг қопловчи эпителий хужайралар ядросида, строма тўқима хужайраларининг ҳам ядроси, ҳам ядрочасида жойлашиши, бу хужайраларнинг ҳар хил пролифератив ва митотик фаоллашув фазаларида, яъни G1, S, G2, M даражаларда эканлигини тасдиқлайди.

#### Хулоса

Сийдик пуфаги хавфсиз ўсималаридан полип ва папилломанинг бир-бири билан таққослаган ҳолдаги иммуногистохимёвий кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатдики, полип тўқимасида папилломага нисбатан Т- ва В-лимфоцитлар экспрессияланиш фоизи нисбатан юқори даражадалиги, яъни В-лимфоцитлар 2,6 баробар кўплиги, Т-лимфоцит 2,7 баробар кўплиги кузатилди.

Сийдик пуфагида ўсувчи полип ва папилломанинг иммуногистохимёвий кўрсаткичларида маълум бўлдики, полип эпителийсида Ki67 паст даражада, стромасида нисбатан юқори (18,6%), Папилломада ҳам эпителий, ҳам стромасида Ki67 нисбатан юқори кўрсаткичга эгаллиги аниқланди.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аверин В. И. и др. Экстрофия мочевого пузыря: современное состояние проблемы (обзор литературы) //Хирургия дитячого віку. – 2018. – №. 3. – С. 100-104.
2. Александров Н. С. Сравнительная иммуноморфологическая и спектроскопическая характеристика опухолей почек : дис. – Александров Николай Сергеевич–М., 2019.-99 с, 2019.
3. Аль-Шукри С. Х., Слесаревская М. Н., Кузьмин И. В. Доброкачественные новообразования уретры у женщин //Вестник Авиценны. – 2020. – Т. 22. – №. 3. – С. 459-468.
4. Аляев Ю. Г. и др. Опухоль почки и мочекаменная болезнь: существует ли взаимосвязь? //Урология. – 2016. – №. 3. – С. 104-107.
5. Akan S, Ediz C. A rare association in a patient with non-muscle invasive bladder cancer: ureteral fibroepithelial polyp and ipsilateral renal cell carcinoma: a case report. //J Med Case Rep. 2021 Sep 26;15(1):475.
6. Akdere H, Çevik G. Rare Fibroepithelial Polyp Extending Along the Ureter: A Case Report. //Balkan Med J. 2018 May 29;35(3):275-277.
7. Akki AS, Richards K, Smith ND, et al. Inverted/endophytic growth pattern of papillary urothelial neoplasms of the bladder: clinicopathological study in 225 transurethral resection specimens. //Mod Pathol 2014; 27:212A
8. Manciuilli T, Marangoni D, Salas-Coronas J, Zammarchi L; TropNet Schisto Task Force. Diagnosis and management of complicated urogenital schistosomiasis: a systematic review of the literature.// Infection. 2023 Oct;51(5):1185-1221.

Қабул қилинган сана 20.05.2025